



ҚАРОР

№ 1109/9

2009 йил "4" феврал

Тумандаги «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Мўлён» маҳалласида яшовчи фуқаро Одилова Рахнога тегишли уй-жойни бир қисмини нотурар жой тоифага айлантириш ҳақида

Тумандаги «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Мўлён» маҳалласида яшовчи фуқаро Одилова Рахно туман ҳокими номига ёзган аризасида туман ҳокимининг 2008 йил 25 октябр 919 К-сонли қарорига асосан ҳовли-жой унга тегишли бўлиб у тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ташкил қилиш учун уй-жойини бир қисмини турар жой тоифадан нотурар жой тоифага ўтказиб беришни сўраган. Фуқаро Одилова Рахнонинг ҳовли-жойига таёрланган кадастр хизмати хулосаси ва барча тегишли ташкилотларнинг ижобий хулосаларини, оила аъзоларини розилиklarини ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунинг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой» кодексини 15-моддаи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Мўлиён» маҳалласида жойлашган фуқаро Одилова Рахнога ҳовли-жой туман ҳокимининг 2008 йил 25 октябрдаги 919-Ксонли қарорига асосан унга тегишли бўлганлиги, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида уй-жойини бир қисмини полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехига айлантириш тўғрисидаги аризаси, туман «Ермулккадастр»хизматининг хулосаси, оила аъзоларининг розилиklари ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар тўплами маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Мўлиён» маҳалласида яшовчи фуқаро Одилова Рахнога тегишли булган умумий майдони 1141,31 метр квадрат ер майдонида жойлашган уй жойининг 632,38 метр квадрат майдонида жойлашган А-7 литердаги 101.66 метр квадратдан иборат битта биносида полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини очишга рухсат берилсин.



**ҚАРОР**

231  
№ 113-15

2008 йил "7" июль

Самарқанд туман Улугбек кишлоқ фуқаролар йиғини Дукчилик маҳалласида жойлашган Гушт дукони бино иншоотига эгалик қилиш ҳамда ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини фуқаро Хожикурбонов Аслиддинга бериш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги «Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тугрисидаги 278-сонли қарори, Адлия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бино, иншоотларни давлат руйхатидан утказиш тартиби тугрисида»ги 387-сонли ва 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат руйхатидан утказиш тартиби тугрисидаги» 736-сонли йуриқномаси, Самарқанд туман ҳокимининг 1996 йил 15 апрелдаги № 186/2-ц қарори, фуқаро Хожикурбонов Аслиддиннинг туман ҳокими номига ёзган аризаси, Самарқанд туман давлат солиқ инспекциясининг 2008 йил 17 сентябрдаги № 03/1-3736 сонли фуқаро Хожикурбонов Аслиддинни давлат солиқларидан қарзи йўқлиги тугрисида маълумотномаси, турмуш урғонининг нотариал идораси томонидан тасдиқланган розилик хати, Самарқанд туман «Ермулккадастр» хизмати томонидан тайёрланган кадастр инвентаризация ҳужжати ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 22-моддасига асосан

**Қарор қиламан:**

1. Самарқанд туман Улугбек кишлоқ фуқаролар йиғини Дукчилик маҳалласида жойлашган жами: А-литерадаги қурилиш тагидаги ер майдони 14,35 кв.метрдан иборат гушт дукони бино-иншоотларига эгалик қилиш ҳамда эгаллаган жами: 14,40 кв.метр ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи Хожикурбонов Аслиддинга берилсин.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси тугрисида»ги Қонунига асосан ер солигини ундириш ва кадастр руйхатидан утказиш туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи 3. Аминов ва туман «Ермулккадастр» хизмати давлат унитар қорхонаси бошлиғи Т Шароповга топширилсин.
3. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Кодиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

**Б. Садуллаев**